

**Раҳмонхўжа Иномхўжаев**  
**Филология фанлари доктори, профессор,**  
**Эрон-афғон филологияси**  
**кафедраси, ТошДШИ**

## **ҚАҲҲОР ОСИЙ ИЖОДИДА РУБОИЙ ЖАНРИ**

**Аннотация.** Мақолада ҳозирги замон дарийзабон поэзия ривожига баракали улуш қўшган адиб Қаҳҳор Осий ижоди ҳақида қисқача маълумот берилган, унинг рубоий жанрида ижод этган асарлари таҳлил қилиниб, адиб мумтоз адабиётнинг бу сеvimли жанрини янги мавзу ва ғоявий мазмун билан бойитгани кўрсатиб берилган.

**Таянч сўз ва иборалар:** рубоий, “янги шеър”, куллийт, ватанпарвар шоир, замон муаммолари, озодлик, уруш вайронгарчилиги, “кураш адабиёти”, мажозий образ, мазмун бойлиги, новаторлик, муҳожир, саргардонлик.

**Аннотация.** В статье даны краткие сведения о творчестве Каххара Ааси, внесшего значительный вклад в развитие современной дариязычной поэзии, проанализированы его произведения в жанре рубаи, показаны как поэт обогатил этот популярный жанр классической литературы новыми темами и идейным содержанием.

**Опорные слова и выражения:** рубаи, «новый стих», куллият, поэт-патриот, проблемы современности, свобода, разрухи войны, «литература борьбы», аллегорический образ, богатое содержание, новаторство, беженец, скитальческая жизнь.

**Summary.** The article provides a brief information about literary works of Kahhar Aasi, who made a significant contribution to the development of modern Dary poetry, analyzes his works in the rubai genre, shows how the poet has enriched the content of this popular genre of classical literature with new themes and ideas.

**Keywords and expressions:** rubai, "new verse", kulliyat, poet-patriot, problems of modernity, freedom, devastation of war, "literature of struggle", allegorical image, rich content, innovation, refugee, wandering life.

Қаҳҳор Осий (1956-1994) XX аср Афғонистон дарийзабон шеърятининг кўзга кўринган намояндаси сифатида ном чиқарди. Адабиётшунос Кова Киромий Осийнинг адабий жараёнда тутган ўрнини баҳолаб, “Агар Қаҳҳор Осийни Афғонистоннинг ҳозирги замон форсийзабон шоирлари орасидаги энг таниқлиси ва ўзига хоси, десак унчалик муболаға бўлмас”<sup>1</sup>, деб ёзган эди.<sup>2</sup>

Қаҳҳор Осий қисқа умри (у атиги 38 йил яшади) давомида ўзидан ўқувчилар орасида севилиб ўқиладиган салмоқли ижодий мерос қолдирди. Шоир ҳаётлиги даврида унинг ўнта, ўлимидан кейин яна битта шеърлар тўплами чоп этилган. Унинг илк шеърый тўплами “Атиргул мақомаси” 1988

<sup>1</sup> . 3. ص ڪلوه ڪرامى. قهار عاصى، سرودخوان آزادى.

<sup>2</sup> Қаҳҳор Осий ҳаёти ва ижоди ҳақида кўпроқ маълумот олиш учун қаранг: Р. Иномхўжаев. Уруш қурбони бўлган афғон шоири. - “Шарқ машъали”, 2017, 1 – сон, 11-15 бетлар; Шу муаллиф. Афғонистон дарийзабон адабиёти (XIX аср охири - XX аср). – Т: ТДШИ, 2018. 337-356 бетлар.

йилда нашр этилган бўлса. ундан кейинги йилларда деярли ҳар йили, баъзан эса, бир йилда икки шеърӣ тўплами ўқувчиларга тақдим этилди.

Адиб вафотидан сўнг кўп ўтмай унинг шеърӣ мажмуалари мухлислар орасида нодир нашрга айланган кўринади. Шу боис, унинг асарлари Нилоб Раҳимий томонидан жамланиб, 2006 йилда Қобулда “Куллиёт” шаклида нашр этилди<sup>3</sup>. Аммо ундан кейин ҳам, юқорида айтилганидек, яна бир шеърӣ тўплами - рубоийлар ва дубайтийлар мажмуаси Осиф Раҳмоний томонидан Ҳиротда нашр этилди.<sup>4</sup> Табиийки, бу мажмуа шеърлари Нилоб Раҳимий нашрига кирмай қолган эди. Орадан олти йил ўтиб, бу етишмовчилик “Куллиёт”нинг Аҳмад Маъруф Кабирӣ томонидан тайёрланган янги нашрида<sup>5</sup> тўлдирилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, жаноби Кабирӣ “Куллиёт”ни нашрга тайёрлаш жараёнида илмий асосда манбашунослик ва матншунослик изланишларини олиб бориб, нафақат турли манбаларда келтирилган шеърлар орасида баъзан кўзга чалинадиган тафовутларни кўрсатиб ўтди, балки шоир архивида сақланиб қолган, ханузгача нашр этилмаган асарларни ҳам куллиётга киритди. Натижада, бу нашр Осӣ ижодини тўлалигича қамраб олган ягона манба кўринишига эга бўлди.

“Куллиёт” 1134 саҳифадан иборат бўлиб, ундан ношир муқаддимаси, адибнинг барча нашр этилган мажмуалари рўйхати хронологик тарзда, луғат ва манбалар рўйхати ҳам жой олди. Шундай қилиб, ушбу “Куллиёт” Осӣ ижодини ҳам умумий ҳажми нуқтаи назаридан, ҳам жанр хилма-хиллиги жиҳатидан ўзида акс эттиради, дейиш мумкин.

Қаҳҳор Осӣ ижоди ғоявий мазмун бойлиги билан бир қаторда, маълум даражада жанр ранг-баранглигига ҳам эга. Шоир анъанавий услубда асарлар яратиш билан бир қаторда ўз ижодида “янги шеър” услубидан унумли фойдаланди. Айни пайтда, адибнинг рубоий, дубайтий, ғазал каби мумтоз адабиёт жанрларида ёзган асарларидан ҳам янгича мушоҳада, тасвир, шоирона дид билан йўғрилган образлар, тасвир воситалари уфуриб туради.

“Куллиёт”га шоирнинг 200 га яқин рубоийлари киритилган бўлиб, улардан бири урду тилида, унга ёнма-ён рубоийнинг дарӣй тилига қилинган таржимаси ҳам берилган.

Рубоийлар мазмун жиҳатидан шоирнинг умумий ижоди билан ҳамоҳанг бўлиб, уларда кўпроқ шоирнинг ватанида юз берган, узоқ муддатдан бери давом этаётган уруш вайронгарчиликлари, халқ бошига тушган мусибатлар туфайли чеккан аламли руҳий кечинмалари ўз ифодасини топган. Бутун онгли ҳаётини ана шундай даҳшатли воқелик кўйнида ўтказган ватанпарвар шоир ижоди учун балки бу оддий ҳолдир. У бир рубоийсида ёзган эди:

این جا همه چیز تلخ و نامیمون است، هر ساز که میزنند بی قانون است.  
می بینم و می گزارم و می میرم، حالا تو قیاس کن که عالم چون است.<sup>6</sup>

*Бу ерда ҳамма нарса аччиқ ва толеъсиздир,*

<sup>3</sup> عاصی عبدالقہار. کلیات اشعار. تدوین، تصحیح و مقدمہ: نیلاب رحیمی. چاپ نخست، انتشارات خیام، کابل، ۱۳۸۵.

<sup>4</sup> قہار عاصی. هر بار که از دہکدہ ات میگذرم. مجموعہ دوبیتی و رباعی. به کوشش آصف رحمانی، انتشارات فدایی ہروی. ہرات، ۱۳۷۶.

<sup>5</sup> بوندان кейин: Осӣ. Куллиёт. کلیات قہار عاصی ۱۳۳۵-۱۳۷۳. تدوین، مقابلہ و تصحیح احمد معروف کبیری. مشهد، بدخشانی، ۱۳۹۱.

<sup>6</sup> Осӣ. Куллиёт, 1012 бет.

Ҳар қандай асбобни чалсалар ҳам, қоидасиздир.

Кўраман, эрийман ва ўламан,

Шунга қиёслаб билгин аҳволим қандайлигини.

Шоир гарчи ўз кечинмалари ҳақида гапиргандек туюлса ҳам, аслида у ватандошлари, ўзи каби юрт қайғусини чеккан инсонлар дилидаги сўзларни гапираётганини, шоирнинг рисолати айнан шундай эканини билади. Шунинг учун ҳам у бир рубоийсида ўзини ватан дардлари, чеккан ранжу озорларини ифодалаш, уни хотира сифатида муҳрлашга вазифадор эканини таъкидлаган эди.

من درد به دوش شام تار و طنم،      دل پخته رنج روزگار و طنم.  
آهه همه انتظار، اشکم همه صبر،      من خاطره دار حال زار و طنم.<sup>7</sup>

Мен ватаним қоронғи оқишми ғамини елкасида кўтариб юргувчиман,

Ватанимнинг азобли ҳаётини кўриб бағри куйганман.

Менинг барча оҳим кутиш, кўз ёшларим сабру бардош қилишимдандир,

Мен ватанимнинг ачинарли аҳволи хотирасини сақловчиман.

Осий чин ватанпарвар сифатида юрт қайғуси мавзусига қайта-қайта муружаат қилади, атрофида кечаётган воқеалар уни шунга мажбурлайди. У бир рубоийсида бу ҳолни шундай ифодалаган эди:

تا آنکه به چار سوی هوش من است،      از هر سو صدای گریه در گوش من است.  
افسوس به ناله هم سبک می نشود،      دردی که از این دیار بر دوش من است.<sup>8</sup>

Мен тўрт томонимга диққат қилганимда –

Ҳамма ёқдан қулогимга йиғи овози эшитилади.

Афсус, нола билан ҳам енгиллашмайди –

Бу юртнинг менинг елкамга ортилган дарди.

Осий рубоийларида ифодаланган мунг шоир қалбини ўртаб бораётган тушқунлик ифодаси бўлиши билан бир вақтда сезгир юрак исёни ҳамдир. Адиб яшаб ижод этган кулфатли давр, охири кўринмаган уруш ва нотинчлик, ўлим ва саргардонлик унинг онгини тегирмон тошидек эзиб ётган бир шароитда шоир қаламидан шундай аламли мисралар тўкилишига ажабламаса ҳам бўлар. У бир рубоийсида ўзи яшаб турган Кобулдаги аҳволни мана бундай аламли мисраларда ифодалаган эди:

خون از بر و دوش آسمان گل بدهد،      آتش ز زمین قیامت گل بدهد.  
دوزخ چقدر بلند باید سوزد،      تا تشبیه کوچکی ز کابل بدهد.<sup>9</sup>

Осмоннинг кўксию этагидан қон сизади,

Ердан кўтарилган аланга қиёмат тусини беради.

Дўзах олови қанчалик баланд ёниши керакки,

Озгина бўлса ҳам, Кобулга ўхшаши учун.

Кобулда гуриллаб ёнган уруш олови шоир кўзига дўзах алангасидан ҳам даҳшатли кўринади. Мана шу хусусиятлари туфайли Аҳмад Маъруф Кабириёй Қахҳор Осий поэзиясини Афғонистондаги нотинчлик шароитида юзага келган “кураш адабиёти, дард ва жанг шеърияти”<sup>10</sup> илҳомчиси, деб таърифлаганди.

<sup>7</sup> Осий. Куллиёт, 1041 бет.

<sup>8</sup> Шу манба, 1011 бет.

<sup>9</sup> Шу манба, 1029 бет.

<sup>10</sup> Осий. Куллиёт, 51 бет.

Осий рубоийларида такрор-такрор тилга олинган яна бир муҳим мавзу ватандан айрилиш, муҳожират ва бу билан боғлиқ кечинмалардир.

Маълумки, Афғонистон уруши давомида оддий халқ жуда катта моддий ва инсоний талофатни бошидан кечирди. Натижада, миллионлаб одамлар бошқа юртлардан паноҳ излашга мажбур бўлди. Бу ҳам одамлар бошига тушган кулфат эди. Осий ватандошлари бошига тушган бу бахтсизликдан изтироб чекар ва шоир изтироблари шеър бўлиб қоғозга қуйиларди. Унга ватанни ҳамма тарк этгандек, ҳаммаёқ хувиллаб қолгандек туюлди.

رفتى و كسى نكرد غمخواره گى ات، رفتى و كسى نديد بيچاره گى ات.  
ای یار! پس از تو ديگران هم رفتند، من ماندم و درد تلخ آواره گى ات.<sup>11</sup>

*Кетдинг, аммо биров гамингни емади,*

*Кетдинг, аммо биров кўрмади бечоралигингни.*

*Эй ёр, сенинг кетингдан бошқалар ҳам кетдилар,*

*Мен қолдим, мен билан саргардонлигинг аччиқ гами қолди.*

Мана бу рубоийсида у ёрнинг ватангадолик аламига учраши сабабини ҳам очиб берди:

يار از وطن خودش فرارى شد و رفت، از ده و ديارش متواری شد و رفت.  
بر مزرعه و باغچه و دهكده اش، از آتش و خون گوله بارى شد و رفت.<sup>12</sup>

*Ёр ўз ватанидан қочоқ бўлдию кетди,*

*Ўз қишлоғи ва юртидан қочдию кетди.*

*Экинзори, боғи ва қишлоғига -*

*Қонли ва оловли ўқлар ёғилдию кетди.*

У яна бир рубоийсида ватанининг фожиали аҳволини бундай тасвирлаган эди:

این جا رُخ تازه، خاطر شادی نیست، سوگ است و سیاهی است و آزادی نیست.  
من دل به چه اعتبار پابند کنم؟ آن جا که درخت نیست، آبادی نیست.<sup>13</sup>

*Бу ерда яшинаб турган юз, хурсанд кўнгил йўқ,*

*Мотам бор, қоралик бор, озодлик йўқ.*

*Мен қайси ифтихорга кўнгил боғлайин?*

*Қаерда дарахт бўлмаса, ободлик ҳам йўқ.*

Шоир наздида ватанида на бир шод кўнгил, на озодлик, демакки ифтихорга лойиқ ҳеч нарса йўқ, бу ер дарахтсиз қуруқ сахро кабидир, бу ерда ободлик ҳам, озодлик ҳам йўқ, чунки бу ерни ҳамма тарк этган.

Кўп ўтмай Осийнинг ўзи ҳам муҳожир ватандошлари қисматини татиб кўришига тўғри келди, у Эрондан паноҳ излади. Аммо ўзга юртда тез-тез ватани ёдига тушадиган, унинг ям-яшил дараларию, шарқираб оқиб турган жилғалари эсига тушадиган бўлди. Қуйидаги рубоийда айнан шу кечинмалар шоирнинг ўртанган юраги ноласини акс эттирган кўринади:

ای دره تنگ! روزگارت چون است؟ دریاچه مست و آبشارت چون است؟  
دور از تو در این دیا ر پوسیده من، بی من، تو بگو گنج و کنارت چون است؟

*Эй торгина дара, аҳволинг қандай?*

<sup>11</sup> Шу манба, 1009 бет.

<sup>12</sup> Шу манба, 1016 бет

<sup>13</sup> Шу манба, 1014 бет.

*Шўх жилганг, шаршаранг аҳволи қандай?*

*Сендан йироқда бу юртда мен чиридим,*

*Айтгин, менсиз бор будинг қандай?*

Осийнинг ватан мавзусида, ватандошлари бошига тушган саргардонлик мавзусида ёзган шеърларининг кўпчилиги юқорида иқтибос қилинган асарлари каби мунгли ва ғамгин бўлса ҳам, айрим рубоийлар қатлаמידан умид учқунлари йилтиллаб туради.

درد و غم روزگار آخر شدنی است، بی صبری و انتظار آخر شدنی است.  
خاموشی این دیار و تنهایی ما، در غربت شام تار آخر شدنی است.<sup>14</sup>

*Тирикчилик дарду ғами тугагусидир,*

*Сабрсизлик билан кутиш тугагусидир.*

*Бу юртнинг хомушлигию танҳолиги –*

*Қоронги оқиом гурбатида тугаб кетгусидир.*

Шоир айрим рубоийларида шунга ўхшаш фикрни имо-ишоралар билан пардапўш қилиб ифодалайди:

شب سنگ شده ستاره اندوخته است، شب خسته و شب شکسته، شب سوخته است.  
شب بر سر راه صبحدم بنشسته است، شب دیده به باغ نسترن دوخته است.<sup>15</sup>

*Тун тош қотган, юлдузларни йиғиб қотган,*

*Тун чарчаган, тун синган, тун куйган.*

*Тун тонг отишини кутиб йўлга кўз тиккан,*

*Тун кўзларини настаран боғига тиккан.*

Шоир тасавурида барча норасоликлар, қийинчиликлар, ғам-ғуссалар тун тимсолида гавдаланади, чунки тун қоронғулик, мубҳамлик рамзи, бағрида қандайдир хатарни пинҳон тутган он, аммо у энди чарчаган, бўшашган ва ниҳоят, кўз тикиб тонг отишини кутган ҳолда, у тонгни кутганда ҳам настаратан боғига тикилиб кутади, тонг яхшилик олиб келади, деб умид қилади.

Тун Осий рубоийларида салбий образ сифатида гавдаланади, шоир унга қарши курашади, ундаги салбий моҳиятни рад этишга жазм қилади, чунки унинг ишонгани, идеали қуёшдир.

تا دامن آفتاب در چنگ من است، با هر چه شب است و تیره گی جنگ من است.  
«نی» گفتن و خودسری که عیش خوانند، اوج هنر و کمال فرهنگ من است.<sup>16</sup>

*Токи қуёшнинг этаги менинг чангалимда экан,*

*Нимаики тун бўлсаю қоронғулик бўлса, мен у билан жанг қиламан.*

*‘Йўқ!’ дейши, қайсарлик қилиши айб саналса ҳам –*

*Менинг санъатим авжи, тарбиям камоли шудир!*

Демак, шоир қуёшга, умидли дамларга, яхшиликка интилади, тунга, қоронғиликка бўйин эгмайди, уларга дадил “Йўқ!” деб айтади, уларга қарши курашади.

Осий рубоийларидан кенг ўрин эгаллаган яна бир мавзу муҳаббат мавзусидир. Шунини айтиш жойизки, бу мавзу рубоийларда турли қирралари

<sup>14</sup> Осий. Куллиёт, 1014 бет.

<sup>15</sup> Shu manba, 1012 bet.

<sup>16</sup> Осий. Куллиёт, 1012 бет.

билан намоён бўлади, фақат ишқ мавзуси билан чекланмасдан воқеликнинг турли жихатларини, муҳим ижтимоий масалаларни ўзида акс эттиради ва бу алоҳида тадқиқ ва таҳлил объекти бўлишни тақозо этади.

Хулоса қилиб айтганда, рубоий жанрида ёзилган асарлар Қахҳор Осий ижодининг муҳим қисми бўлиб, анъанавий мумтоз рубоийлардан ҳам ғоявий мазмун, ҳам бадиий услуб жихатидан фарқ қилади. Муаллиф ўз рубоийларида анъанавий фалсафий масалалар, ирфоний мавзулар ўрнига ўзи яшаб турган замон муаммолари, ватани бошига тушган кулфатлар, муҳожирлик азоби каби ўз даврининг муҳим масалаларини қаламга олди ва бу билан мумтоз адабиётнинг мазкур жанрини ғоявий мазмун жихатидан янгилади, унга янги ҳаёт бағишлади. Осий рубоий жанрига олиб кирган мавзуларни тасвирлашда ҳам новаторлик йўлидан бориб, ўзини ўраб турган муҳитдан, реал ҳаётдан деталлар, образлар танлади, гоҳида ўз кечинмаларини мажозий образлар билан ўраб ифодалаган бўлса, кўпинча аламли, аччиқ сўзлар билан рўйроқ баён этди, ўқувчисини ўзи кўрган воқеликни кўришга, ўзи чеккан аламларни чекишга, ўзи ҳис этган кечинмаларни ҳис этишга даъват этди.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Р.Иномхўжаев. Уруш қурбони бўлган афғон шоири. - “Шарқ машъали”, 2017, 1 – сон, 11-15 бетлар.

2. Р.Иномхўжаев. Афғонистон дарийзабон адабиёти (XIX аср охири - XX аср). – Т: ТДШИ, 2018. 337-356 бетлар.

3. عاصی عبدالقهار. کلیات اشعار. تدوین، تصحیح و مقدمه: نیلاب رحیمی. چاپ نخست، انتشارات خیام، کابل، ۱۳۸۵.

4. کلیات قهار عاصی ۱۳۳۵ - ۱۳۷۳. تدوین، مقابله و تصحیح احمد معروف کیبیری. مشهد، بدخشان، ۱۳۹۱.

5. قهار عاصی. هر بار که از دهکده ات میگذرم. مجموعه دوبیتی و رباعی. به کوشش آصف رحمانی، انتشارات فدایی هروی. هرات، ۱۳۷۶.

6. کاوه کرامی. قهار عاصی، سرودخوان آزادی.

[http://www.bbc.com/persian/arts/2014/09/140924\\_mar\\_kawa\\_aasi\\_freedom](http://www.bbc.com/persian/arts/2014/09/140924_mar_kawa_aasi_freedom)